SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI!

# OʻZBEKISTON OVOZI

OʻZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI · ХДП

• 2018-yil, 25-yanvar. Payshanba • 8 (32.376) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz



## ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизматининг хабар қилишича, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 24 январь куни Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Ин билан телефон орқали мулоқот қилди.**

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Президент Мун Чжэ Инни туғилган куни билан самимий қутлаб, унинг Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасидаги дўстлик ва стратегик шериклик муносабатларини ривожлантириш, ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлашга қўшаётган улкан ҳиссасини алоҳида қайд этди.

2017 йилнинг ноябрь ойида Сеул шаҳрида бўлиб ўтган тарихий аҳамиятга эга олий даражадаги самарали учрашув ва музокаралар кўп қиррали ўзаро алоқаларни ривожлантириш учун мустаҳкам замин яратгани ҳамда икки томонлама муносабатларга аниқ амалий мазмун бахш этгани чуқур мамнуният билан қайд этилди.

Президент Мун Чжэ Ин Президентимиз Шавкат Мирзиёевга табрик ва эзгу тилаклар учун самимий миннатдорлик билдирди. Ўзбекистон Президенти тимсолида Ўзбекистон — Жанубий Корея ҳамкорлигини ҳар томонлама мустаҳкамлаш борасида ҳақиқий дўст, маслакдош ва ҳамфикрга эга бўлганини алоҳида таъкидлади.

Корея Республикаси раҳбари, шунингдек, Президент Шавкат Мирзиёевнинг замонавий Ўзбекистон тарихида илк бор Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасини юксак баҳолади. Ўзбекистон ва Жанубий Кореяда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва ўзгаришларнинг янги босқичи муҳим вазифалари ва устувор мақсадларига кўра муштарак эканини қайд этилди.

Мулоқотда икки мамлакат раҳбарлари Ўзбекистон — Жанубий Корея ҳамкорлигини янада кенгайтириш истиқболларини атрофлича муҳокама қилди, минтақавий ва халқаро долзарб масалалар бўйича фикр алмашди.

Жанубий Кореянинг илғор тажрибаси, илм-фан ютуқлари ва технологияларини Ўзбекистонда саноат ва инфратузилмани модернизация қилиш, ижтимоий секторни ривожлантиришга фаол жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилди.

Корея Республикаси Президенти кўп миллатли Ўзбекистон халқини шу кунларда Хитой Халқ Республикасида бўлиб ўтаётган футбол бўйича Осиё чемпионатида ёшлар терма жамоамиз кўрсатаётган ажойиб ўйин ва жамоамиз мусобақа финалига чиққани билан самимий қутлади.

Ўз навбатида, Ўзбекистон Президенти Корея Республикаси раҳбарияти ва халқига Пхёнчханда ташкил этиладиган ва жаҳон спорти тарихига кирадиган, ҳақиқий дўстлик ва ўзаро англашув байрамига айланадиган қишки Олимпия ўйинлари муваффақиятли ўтишини чин дилдан тилади.

Мулоқот сўнгида давлат раҳбарлари мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ришталари ва анъанавий яқин ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш ва мустаҳкамлашга тайёр эканини яна бир бор тасдиқладилар.

**ЎзА**



## ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 24 январь куни Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев билан телефон орқали мулоқот қилди. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати хабар қилди.**

Президент Нурсултон Назарбоев Қозоғистоннинг Актюбинск вилоятидаги фожиада ҳалок бўлган мамлакатимиз фуқароларининг оила аъзолари ва яқинларига яна бир бор чуқур ҳамдардлик билдирди.

Давлатимиз раҳбари Қозоғистон раҳбарига самимий ҳамдардлик билдиргани ва қўллаб-қувватлагани, ташкилий масалаларни ҳал этиш ва фожиа сабабларини аниқлашда кўрсатилган тезкор ёрдам учун миннатдорлик изҳор қилди.

Келгусида бундай ҳодисалар рўй беришининг олдини олиш мақсадида икки мамлакат ҳукуматлари, масъул идоралари ва ташкилотлари ўртасидаги яқин ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш зарурлиги қайд этилди.

Мулоқотда, шунингдек, икки томонлама стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ҳамда устувор йўналишлар бўйича минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Президент Шавкат Мирзиёев Президент Нурсултон Назарбоевни яқинда АҚШга амалга оширган расмий ташрифи ва БМТ Хавфсизлик Кенгашининг биринчи марта Қозоғистон раислигидаги мажлиси муваффақиятли ўтгани билан самимий қутлади.

Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентлари Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги дўстлик, яқин қўшничилик ва ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларни қатъий қўллаб-қувватлашини билдирдилар.

Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрида бўлиб ўтадиган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг биринчи Саммити ўзаро муносабатларда янги саҳифа очиши, минтақадаги барча мамлакатларнинг узоқ истиқболли манфаатларини кўзда тутадиган янги дастур ва лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш учун имконият яратиши алоҳида таъкидланди.

Қозоғистон Президенти минтақада тинчлик, осойишталик ва барқарор тараққиётни таъминлаш мақсадида жорий йилнинг март ойида Тошкент шаҳрида «Афғонистон — тинчлик сари йўл» халқаро вазирлар конференциясини ўтказиш ташаббусини юксак баҳолади ва қўллаб-қувватлади.

Шунингдек, томонлар 2017 йил сентябрь ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган олий даражадаги учрашув ва музокаралар чоғида эришилган келишувларга мувофиқ, Қозоғистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси йилини ўтказиш борасида олиб борилаётган фаол тайёргарлик ишларини мамнуният билан қайд этдилар.

Мулоқот сўнгида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев бундан буён ҳам мамлакатларимиз ва халқларимиз манфаатлари йўлидаги кўп қиррали ва самарали ҳамкорликни фаол ривожлантириш, кўп асрлик дўстлик ва яқин қўшничилик ришталарини мустаҳкамлашга тайёр эканини таъкидладилар.

**ЎзА**

МУНОСАБАТ

## Давлат дастури ижросида

### депутатларнинг фаол иштироки талаб этилади

**Президентимизнинг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги фармони халқимиз томонидан катта қизиқиш ва ҳаяжон билан кутиб олинди. Унда жорий йилда барча соҳаларда амалга ошириладиган ишлар режаси, хусусан, ижтимоий соҳани ривожлантириш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш билан боғлиқ муҳим ва ҳаётий вазифалар белгилаб берилган.**

**Давлат дастурининг мазмун-моҳияти нималарга қаратилган? Унинг ижросида Ўзбекистон Халқ демократик партияси етакчилари, депутатлар, фаоллар қандай иштирок этади?..**

**Шуҳрат ТУРСУНБОЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:**

— Аввало бу йилги Давлат дастури танқидий таҳлил асосида ўрганилган камчиликларни бартараф этишга қаратилгани, унда фуқароларнинг фикр-мулоҳазалари, таклифларига алоҳида эътибор берилганини таъкидлаш зарур. Бу ўринда бизнинг энг биринчи вазифамиз Давлат дастурининг аҳамиятини одамларга тушунтириб беришдан иборат бўлиши керак, деб ўйлайман.

Давлат дастуридаги энг муҳим масалалардан бири аҳолининг муносиб ҳаёт кечириши учун зарур бўлган даромадларни аниқлаш бўйича «истеъмол саватчаси»га оид муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш назарда тутилганидир. Унга кўра, ҳудудлар кесимида «истеъмол саватчаси»ни ҳисобга олган ҳолда, иш ҳақи, пенсия ва бошқа ижтимоий тўловлар миқдорини белгилаш тизимига босқичма-босқич ўтиш мўлжалланмоқда.

Хўш, ўзи «истеъмол саватчаси» дегани нима? Буни қисқа қилиб инсон эҳтиёжлари учун зарур бўлган энг керакли маҳсулот, товар ва хизматларнинг йиғиндиси, деб тушунтириш мумкин. Бу тизим ривожланган ва айрим ривожланаётган давлатларда аллақачон жорий этилган.

«Истеъмол саватчаси»ни жорий қилиниши айнан бизнинг электоратимиз манфаатларига хизмат қилади, десак, муболаға бўлмайди. Жойлардаги партия ташкилотлари, депутатлар аҳолини ижтимоий муҳофазага муҳтож, жисмоний имконияти чекланган, шунингдек, ўрта аҳоли қатламининг нималарга эҳтиёжи борлигини яхши билади. Демак, мана шу тизимни шакллантиришда партиямиз аъзолари, депутатлар фаол иштирок этиши, унинг амалга ошишига ҳисса қўшиши керак бўлади.

Давлат дастури ижросини таъминлаш жараёнида депутатлар, партиямиз етакчилари майдонга чиқиши, қатъий депутатлик ва жамоатчилик назоратини ўрнатиши лозим.

**Ҳабибулла ОҚИЛОВ,
халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси:**

— Кейинги пайтда мамлакатимизда тиббиёт тизимида катта ўзгаришлар бўляпти. Бу йўналишда ислоҳотлар давом этмоқда. Бироқ ҳали қилинадиган ишлар, бартараф этилиши зарур бўлган камчиликлар оз эмас. Шунинг учун Давлат дастури доирасида жорий йилда тиббий ёрдам тизимини янада такомиллаштириш ва тиббий хизмат сифатини ошириш бўйича ишлар изчил давом эттирилади. Соғлиқни сақлаш соҳасига **«ақлли тиббиёт»** тизими, инновацион технологияларни жорий қилиш кўзда тутилмоқда.

Бу ўз-ўзидан амалга ошадиган ишлар эмас, албатта. Қолаверса, бунга фақат тиббиёт соҳаси ходимлари ёки Соғлиқни сақлаш вазирлиги масъул, деган фикрдан йироқ бўлиш керак. Айниқса, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фаоллари, депутатлари фақат назорат қилмасдан, бу йўналишда таклифлар бериши, муайян соҳадаги камчиликларни бартараф этиш учун амалий чоралар кўриши зарур.

Турли омиллар сабаб охирги пайтларда дори воситалари ва тиббий жиҳозларнинг нарх-навоси ошиб кетаяпти. Бундан кўз юмиб бўлмайди. Мазкур жараёнда ким кўпроқ қийналади? Албатта биринчи навбатда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами зиён кўради. Бунинг олдини олиш учун аҳолини арзон нархлардаги сифатли дори воситалари билан таъминлаш мақсадида **2 мингта ижтимоий дорихона** ташкил этиш режалаштирилди. Давлат дастурида бу ишга масъуллар белгиланди.

Энди бу дорихоналар қаерларда, қандай тартибда бўлиши, кимларга алоҳида имтиёзлар берилиши, буни назорат қилиш масалалари билан биз шуғулланишимиз, тарғибот билан, ташвиқот билан ташкилотчиларга ёрдам беришимиз керак.

**Аҳмадали ХУДОЙБЕРГАНОВ,
халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси:**

— Одамларни ўйлантираётган энг долзарб масалалардан бири уй-жой билан боғлиқ экани бугун ҳеч кимга сир эмас. Бу йўналишда ўтган йили катта ишлар қилинди. Хусусан, шаҳарлар ва қишлоқларда умумий турар жой майдони 3,5 миллион квадрат метрдан ортиқ бўлган намунавий ва кўп қаватли уйлар қурилди. Турар жой қурилиши ҳажмлари 2010 йилга нисбатан 3,5 баробарга ошди.

Арзон уй-жойга ким кўпроқ муҳтож бўлади? Кўп болали, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли вакиллари, албатта. Шуни инобатга олиб, бу масалада ҳам депутатларимиз иштирокини кучайтириш керак. Аҳоли, айниқса, ёш оилаларнинг арзон уй-жойга бўлган эҳтиёжини таъминлаш мақсадида жорий йилда бундай уйларни қуриш ҳажми **1,5-2 баробар** оширилади, бу ишга **5 триллион 286 миллиард сўм** маблағ йўналтирилади.

Энди савол: арзон ва янги уй-жойлар ҳақиқатда муҳтож кишиларга тегадими? Уйларнинг сифати қандай бўлади? Туман, шаҳар Кенгашларидаги барча депутатлар ҳар доим ана шу саволларни ўзига бериши ва унга жавоб топиши керак, деб ўйлайман.

**«Ўзбекистон овози» мухбири Нурали ОРИПОВ ёзиб олди.**

ТААССУРОТ

## Бойсун марказига сув келади...

**Бойсунтоғнинг қоқ ўртасида Кетмончопди қишлоғи жойлашган. Худди шу ердан тоғни кесиб, сув чиқаришни ота-боболаримиз бир умр орзу қилишган.**

Лекин асрлар давомида ҳудуддаги «Хўжамайхона» сувини туман марказига олиб келиш учун бошланган барча ҳаракатлар самара бермагани ҳақиқат.

Ниҳоят, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ўтган йилнинг иккинчи ярмида ушбу иншоотни бунёд этишга киришилди. Қурилиш-монтаж ишлари учун 48 миллиард сўм маблағ ажратилди. Қисқа пайт ичида кенг кўламли қурилиш ишлари амалга оширилди.

Давлатимиз раҳбари шу йилнинг 19 январь куни Сурхондарё вилоятида ўтказган видеоселектор йиғилишида мазкур қурилиш ишлари мустақиллигимизнинг йигирма етти йиллиги арафасида тугалланишини маълум қилди. Айни пайтда «Хўжамайхона» сувини туманнинг олис Даштиғоз, Пулҳоким, Сарқамиш ҳамда Пудина қишлоқларига ҳам етказиш борасида аниқ кўрсатмалар берилди. Бунинг учун қўшимча 50 миллиард сўм маблағ ажратилди.

Кофрун қишлоғи ҳудудидаги «Ҳангаронсой» селсув омбори қурилиши ҳам поёнига етказилмай узоқ йиллардан буён тўхтаб қолган эди. Сел сувларини йиғишга мўлжалланган ушбу иншоот ишга туширилса, Кофрун, Работ, Паданг қишлоқлари ҳудудидаги лалми ерларни ўзлаштириш имконияти пайдо бўлади. Президентимиз мазкур сув омбори қурилишини ҳам 1 сентябрь кунигача тугатиш борасида аниқ кўрсатмалар берди.

Шунингдек, йиғилишда «Дарбанд-Бойсун», «Бойсун-Дўғоба» 13-25 ҳамда 20-31 километридаги ички автомобиль йўлларини тубдан ва жорий таъмирлаш борасида ҳам тегишли вазирликларга топшириқлар берилди.

Узоқ йиллардан буён йўл қурилиши идорасида меҳнат қилиб келаман. Шунинг учун ҳам видеоселектор йиғилишидан улкан таассуротлар билан қайтдим.

**Салим РАВШАНОВ,
Бойсун тумани йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси директори, халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси.**




## Биринчи Президентимиз хотирасига бағишланди



**Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат академик мусиқали театрида Биринчи Президентимиз, буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислом Каримов таваллудининг 80 йиллигига бағишланган хотира кечаси бўлиб ўтди.**

Хотира кечаси «Истиқлол меъмори» ҳужжатли фильми намойиши билан бошланди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 27 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислом Абдуғаниевич Каримов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида ташкил этилган тадбирда Биринчи Президентимиз бутун сиёсий фаолияти давомида ўзи илгари сурган «Биздан озод ва обод Ватан қолсин!», «Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак», деган олижаноб ғояларга амал қилиб яшагани таъкидланди. Шунинг учун ҳам кўп миллатли халқимиз юрагидан чуқур ўрин эгаллади. Ўзининг кўп қиррали сиёсий фаолияти, юксак инсонийлик фазилатлари билан мустақил Ватанимиз тарихида ўчмас из қолдирди. Жаҳон миқёсида катта ҳурмат ва обрў-эътиборга эга бўлган улуғ шахс ва арбоб сифатида ном қозонди.

Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Қорақалпоғистон Республикасида ҳам кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Қорақалпоқ халқи Ислом Каримовнинг «Мен фақат ўзбек халқининг эмас, балки қорақалпоқ халқининг ҳам фарзандиман!» деган сўзларини ҳар доим ғурур билан ёдга олади.

Тадбирда Биринчи Президентимизнинг турмуш ўртоғи Т.Каримова буюк давлат ва сиёсат арбобининг қорақалпоқ халқи турмуш фаровонлигини юксалтириш, қадимий тарихи, маданияти, адабиёти ва санъатини тиклаш ва тарғиб этишга қаратган эътибори, бу заминнинг меҳнаткаш ва самимий одамларига алоҳида ҳурмати ҳақида сўзлади.

Санъат усталари ва ёш ижрочилар иштирокидаги концерт дастури кечага ўзгача файз бағишлади.

**Анвар НАСИРЛАЕВ,
ЎзА мухбири.**

**Фикримизча, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари сиёсий партиялар билан ҳокимият учун курашиши ҳамда сиёсий партиялар билан рақобатлашиши демократик тамойилларга унчалик мос келмайди.**

# САЙЛОВ КОДЕКСИ МУКАММАЛ БЎЛИШИ ЖУДА МУҲИМ

**САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИГА ТАКЛИФЛАР**

**Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига яқинда бўлиб ўтган сайлов сиёсий партиялар учун жиддий сиёсий имтиҳон, шунинг билан бирга, катта тажриба мактаби бўлди.**

**Таъкидлаш лозимки, сайлов депутатликка кўрсатилган номзодларнинг кескин кураши, сиёсий партияларнинг рақобати остида бўлиб ўтди. Сайловдан кейин Тошкент шаҳрининг туман Кенгашларида партия гуруҳлари тузилиши партиянинг тўлақонли фаолият юритиши, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ташаббус ва амалий ҳаракатлари кучайишига хизмат қилади.**



Мазкур масъулиятни чуқур англаган ҳолда, Ўзбекистон Халқ демократик партияси сайловга жиддий тайёргарлик кўрди ва партиядан кўрсатилган номзодлар сайлов жараёнларида фаол иштирок этди. Сайлов натижаси билан Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига Ўзбекистон ХДПдан жами 50 нафар депутат сайланди, бу ҳар бир туманда партия гуруҳларини ташкил этиш имкониятини берди.

**Шу билан бирга, мамлакатимизда демократик ислоҳотлар янада чуқурлашаётган, фуқаролик жамиятини ривожлантириш янги босқичга кўтарилаётган бир вақтда ўтказилган ушбу сайлов ва унинг натижалари Ўзбекистон ХДПга ўз фаолиятини танқидий кўриб чиқиш ва келгуси сайловларга пухта тайёргарлик кўриш кераклигини кўрсатди.**

Сайлов жараёнлари бугунги кунда фуқароларимизнинг ҳуқуқий маданияти юксалаётгани, давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган ислоҳотларга ишончи ортиб бораётганлигини кўрсатди. Сайловчилар қуруқ ваъдалар ёки чиройли ёзилган дастурларга эмас, балки партиянинг амалий ишларига қараб овоз беришди. Биз учун сайлов натижалари бугунги кундаги партиямиз депутатлик корпуси томонидан амалга оширилаётган ишларга монанд равишда қониқарсиз бўлди. Мисол учун, Тошкент шаҳрининг айрим туманларидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутат бўлиб сайланган партиядошларимизнинг ўз сайловчилари билан учрашишга етарлича вақт ажратмагани, уларнинг муаммолари билан қизиқмагани сайлов натижаларига салбий таъсир кўрсатди.

Демак, келгуси сайловларда яхши натижага эришиш, сайловчилар ишончини қозониш учун партиямизнинг депутатлик корпуси иши самарадорлигини кескин ошириш лозим.

Мазкур масала партия Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитасининг кенгайтирилган мажлисида танқидий муҳокама қилиниб, тегишли вазифалар белгилаб олинди.

Биз ҳар доим республика бўйича 10 мингга яқин бошланғич партия ташкилотларимиз (БПТ) мавжудлиги, шу жумладан, Тошкент шаҳар туманларида мингдан зиёд БПТ борлигини айтиб, сайловларда ушбу кучга таянишимизни таъкидлаб келганмиз. Лекин бўлиб ўтган сайлов партиямизнинг энг муҳим бўғинида жиддий камчиликлар мавжудлигини кўрсатди. Жумладан, пойтахтимиз туманларида БПТларни тузишда сайлов округлари ва сайлов участкаларининг жойлашуви инобатга олинмаган, улар ҳар бир сайлов участкасига бириктирилмаган, БПТ етакчиларида партиявий мансублик ҳисси, фаоллик ва ташаббускорлик етишмади. Айрим БПТлар ва туман партия кенгаши ўртасида алоқалар узилиб қолган, яна айрим БПТлар фақат қоғозда фаол кўринади. Тошкент шаҳар туманларидаги 1090 БПТдан 219 тасининг фаолияти қониқарсиз йўлга қўйилган. Жумладан, Олмазор туманидаги 56 БПТдан 42 тасининг (75 фоизи) фаолияти ҳозирги талабга жавоб бермайди.

Келгуси сайловларгача БПТларни ташкил қилиш, уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш борасидаги ишларни тубдан қайта кўриб чиқишимиз лозим. Бугунги кунда ушбу йўналишда партиянинг аниқ вазифалари белгилаб олинган «йўл харитаси» ишлаб чиқилиб, партия раҳбарияти томонидан тасдиқланди. Унда сайловда яхши натижаларга эришилмаган участкалардаги БПТлар фаолияти қайтадан кўриб чиқилиб, уларнинг ишини такомиллаштиришга асосий эътибор қаратилмоқда.

Сайлов жараёнида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришда камчиликлар кўзга ташланди. Бизнинг ҳисоботларда республика бўйича партиянинг 3 мингга яқин, жумладан, Тошкент шаҳар туманлари бўйича 213 нафардан иборат тарғиботчилар гуруҳлари мавжуд бўлиб, улар тарғибот-ташвиқот жараёнларида партиямиздан кўрсатилган номзодларга ёрдам бериши лозим эди. Бироқ бу борада кутилган натижага эришилмади. Афсуски, аксарият тарғиботчилар гуруҳлари номига ташкил қилинган бўлиб, партиядан кўрсатилган номзодларга айтарли ёрдами тегмади.

Келгусида мазкур камчиликларни бартараф этиш мақсадида партиямизнинг тарғибот гуруҳлари тизимини тубдан такомиллаштиришга қаратилган аниқ вазифалар белгилаб олиниши режалаштирилган.

Депутатликка номзодларнинг захирасини шакллантириш ва уларни номзод сифатида депутатликка кўрсатишдаги ишларимизда ҳам камчиликлар кузатилди. Сайловчилар овоз беришда нафақат сиёсий партияларга ва уларнинг дастурларига, балки номзоднинг шахсий фазилатларига ҳам катта эътибор қаратади. Бу масалада ҳам партиямиз Марказий Кенгашида тегишли чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, вазифалар белгилаб олинди.

Маълумки, Давлатимиз раҳбари томонидан тасдиқланган, 2017–2021 йилларда Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид **Давлат дастурида 2018 йилда Сайлов кодекси лойиҳасини ишлаб чиқиш белгилаб берилган. Бундан асосий мақсад фуқароларнинг сайловга оид ҳуқуқларини амалга ошириш механизмларини такомиллаштиришдир.**

Сайлов кодексида бугунга қадар тарқоқ ҳолда амал қилган сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларини, халқаро меъёр ва стандартлардан келиб чиқиб, унификация қилиш, сайлов жараёнининг шаффоф бўлишини таъминлаш назарда тутилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, мамлакатимизнинг сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари аксарият ривожланган демократик давлатларда бўлгани сингари сайловлардан сайловларгача бўлган даврларда тобора такомиллаштирилмоқда ва ривожлантирилмоқда.

Бўлиб ўтган сайлов тажрибасидан келиб чиқиб, мамлакатимизда сиёсий партияларнинг фаоллигини янада кучайтириш, уларга тенг шароитлар яратиш, кўппартиявийликни ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқилаётган Сайлов кодексига қуйидаги таклифларни билдиришни ўринли, деб ҳисоблайман.

**Биринчидан, бугунги кунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига берилган ваколатлар кўлами, юклатилган вазифалар ва бошқарув тизимида тутган ўрнидан келиб чиқиб, уларнинг депутатликка номзодлар кўрсатиш ваколатини бекор қилиш масаласини ўйлаб кўриш лозим. Фикримизча, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари сиёсий партиялар билан ҳокимият учун курашиши ҳамда сиёсий партиялар билан рақобатлашиши демократик тамойилларга унчалик мос келмайди.**

Шунинг учун мамлакат Президенти лавозимига, Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар сиёсий партиялар томонидан кўрсатилиши каби халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига ҳам номзодлар фақат сиёсий партиялар томонидан кўрсатилиши тўғрисидаги принципиал қоида сайлов қонунчилигида мустаҳкамланиши мақсадга мувофиқ.

**Иккинчидан,** сайлов жараёнларида очиқлик ва ошкораликни таъминлаш мақсадида сайловга тайёргарлик кўриш, уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда сиёсий партиялардан фақат биттадан кузатувчи қўйиш мумкинлиги тўғрисидаги чекловларни олиб ташлаш лозим. **Қонунчиликда қайси сайлов участкасига қанча кузатувчи қўйиш ваколатларини сиёсий партияларнинг ўзларига бериш тўғри бўлади.**

**Учинчидан, сайлов жараёнлари адолатли ташкил этилиши учун қонунчиликка участка комиссиялари таркибига сайловда иштирок этаётган сиёсий партияларнинг биттадан вакилларини киритиш лозимлиги тўғрисида ўзгартиришлар киритиш керак.**

Мазкур меъёрнинг белгиланиши сайлов жараёнида участка комиссияси аъзолари томонидан қонунбузарликка йўл қўйилишининг олдини олиш, ўзаро тийиб туриш тамойилини жорий этиш, овоз бериш ва овозларни санаш жараёнлари адолатли ўтишига хизмат қилади.

Президентимиз Олий Мажлис ва сиёсий партиялар вакиллари билан ўтказган видеоселектор йиғилишида ҳар томонлама муносиб одамлар депутат бўлиб сайланишига эришиш долзарб вазифа эканини алоҳида таъкидлаган эди. Бу вазифанинг самарали бажарилиши қабул қилинадиган Сайлов кодекси қанчалик мукаммал бўлишига боғлиқ, албатта.

**Улуғбек ВАФОЕВ,**
**Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси ўринбосари.**

## ПАРЛАМЕНТ АЪЗОЛАРИ – МИНГБУЛОҚДА

**Наманган вилоятининг Мингбулоқ туманида ҳудудни ривожлантиришнинг энг муҳим вазифаларини ҳал этишга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга доир ўтказилган ўрганиш якуни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари иштирокида туман Кенгаши сессиясида кўриб чиқилди.**

### Ярқсиз брикет, ишлатилмаган компьютерлар...

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Ҳотамжон Кетмонов бошчилигидаги депутатлар тумандаги мавжуд ҳолат билан яқиндан танишишди. 400 дан ортиқ хонадонда бўлишиб, аҳоли вакиллари билан суҳбатлашишди.

Мулоқотлар давомида турли масалаларда 300 га яқин муаммо кўтарилди. Уларнинг 132 таси депутатлар томонидан вилоят, туман ҳокимликлари ва тегишли соҳа мутасаддилари билан ҳамкорликда жойида ҳал этилди. 100 га яқини тумандаги мутасадди ташкилотларга ҳавола этилиб, ижроси назоратга олинди. 15 масала парламент назоратига олинадиган бўлди.

Туман Кенгаши сессиясида **Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Абдуғаффор Қирғизбоев**нинг ўрганишлар якунига доир ахбороти эшитилди. Парламент депутатлари томонидан тайёрланган ахборот қиёсий таҳлилларга асосланганлиги билан аҳамиятли бўлди.

Ҳудуддаги секторлар фаолияти, улар томонидан аҳоли муаммоларини ҳал этиш масалаларига ҳам танқидий ёндашилди. Сектор раҳбарлари томонидан аниқланиб, «йўл харитаси»га киритилиши лозим бўлган, аммо эътибордан четда қолган 10 га яқин масала ечими бўйича таклиф-тавсиялар берилди.

Хусусан, туманнинг «Мустақиллик» маҳалласидаги кўп қаватли уйларда канализация йўқлиги бошқа маиший масалаларни ҳам чигаллаштирган. Одамлар мазкур уйлар олдидаги болалар майдончаларига ўзбошимчалик билан ҳожатхона ва бошқа зарурат хоналарини қуриб олишга мажбур бўлишган. Бу ўзаро келишмовчилик ва низоларни юзага келтирмоқда. Вазият аҳолининг маҳаллий ҳокимиятдан норозилигига сабаб бўляпти.

«Қайрағочовул» маҳалласида 3000 га яқин аҳоли истиқомат қилади. Аммо маҳаллада дорихона, новвойхона, қассобхона ва бошқа хизмат кўрсатиш шохобчалари йўқ. Сектор раҳбарлари бу масалани эътиборсиз қолдириб, «йўл харитаси»га киритмаган.

20-сонли умумтаълим мактабидаги компьютер хонасида 11 компьютер мавжуд. Афсуски, улардан икки йилдирки фойдаланилмайди. Сабаби – электр узатгичлар носоз. Депутатлар туман электр тармоқлари корхонасидан мутахассислар чақириб, электр таъминотини соз ҳолатга келтиришди. Лекин компьютерлар фойдаланишга ярқсиз бўлиб қолган экан. Аҳвол ўрганилиб, муаммо бартараф этилди.

Шундай мактабгача таълим муассасалари борки, музлатгичда ярим кило сарёғдан бошқа ҳеч вақо йўқ. Санитария-гигиена ҳолати ҳам талабга зид аҳволда. Иситиш учун ўтин-кўмир ота-оналар томонидан олиб келиб берилаётган таълим муассасалар ҳам бор. Давлат бюджети пулига олиб келинган брикет ярқсиз, ичи тупроқ-лойдан иборат.

Туман тиббиёт бирлашмасининг шошилинч тиббий ёрдам бўлимида болалар реаниматологи мутахассиси учун штат ажратилмаган. Бу хизмат сифатига жиддий зарар етказмоқда. Замонавий тиббий аппаратлар етишмайди. Борларидан унумли фойдаланиш ҳам қониқарли даражада эмас. Чунки тиббий аппаратларни ишлатиш бўйича шифокорлар етарли билим-кўникма эгалламаган. Томорқадан фойдаланиш масаласида ҳам одамларга кўмак, тарғибот зарур.

Сессияда туман ҳокими биринчи ўринбосари Олимжон Қодиров, туман тиббиёт бирлашмаси бош врачи Муҳаммадниёз Эргашбоев, ёшлар ва ижтимоий масалалар бўйича туман ҳокими ўринбосари Абдуқаҳҳор Нажмиддинов ўрганилган масалалар юзасидан сўзга чиқди.

Бир синфда 35-40 нафаргача боланинг ўқитилиши бугунги шароитга умуман номуносиб, номувофиқ. Нега бу масала ўқитувчилар, таълим мутасаддилари томонидан бартараф этишга киришилмаяпти?..

Ҳотамжон Кетмонов танқидий кўриб чиқилган масалаларни ҳал этиш бўйича таклиф-тавсияларини берди.

Сессияда туман Кенгаши депутатларидан катта масъулият талаб қилинди. Ҳар бир йўналиш бўйича вазифалар белгиланди.

Парламентдаги депутатларнинг ҳудудларда бўлиб одамлар билан юзма-юз мулоқотлар ўтказаётгани маҳаллий раҳбарларнинг масъулиятини ҳам ошириши керак. Бусиз лоқайдлик ва бепарволик, деган дарддан қутулиш қийин.

**Носиржон ДЕҲҚОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

# Одамлар ишончини қозониш учун

## *аниқ натижага эришиш лозим*



Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган сурат.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилоят кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида Президентимизнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш масаласи муҳокама этилди.

— Одамларнинг бугунги кайфияти, турмуш тарзи, орзу-ниятларига мос тарзда йўлланган Мурожаатнома ҳар бир юртдошимиз қалбидан мустаҳкам ўрин олди, мамлакатимиз тараққиётига ўз ҳиссасини қўшишга ундади, десам янглишмаган бўламан, — деди **вилоят партия кенгаши раиси Меҳрож Дархонов**. — Бугунги вазифаларни чуқур англаган партия ташкилотлари ҳам қатор ишларни амалга оширишни режа қилиб қўйди. Электорат манфаатини ҳимоя қилиш, аҳолининг фаровон турмуш кечиришини таъминлаш, аниқ натижага эришиш йўлида шиддат билан амалий ҳаракат бошланди.

Бугун тадбиркорлик масаласи хусусида жуда кўп гапириляпти. Дарҳақиқат, тадбиркорликсиз, уларнинг иқтисодиётимиздаги улушисиз катта марраларни кўзлашимиз, унга етишимиз даргумон. Бу жараёнда партияларнинг роли қандай, деган савол туғилади. Парламентда қонунлар қабул қилинаётганда, лойиҳалар кўриб чиқилаётганда «қуйидан юқорига» тамойилига амал қилиш кераклиги таъкидланди. Ҳаётда қандай муаммолар борлигини аниқлаш, шу орқали қабул қилаётган қонунларимизда фуқаролар манфаатларини ҳимоялашимиз, ҳамма ишларимизда шу тамойилга амал қилиш лозим.

Туманларда бизнес клублар фаолиятини йўлга қўйишни мақсад қилдик. Бу фақат маълум вақт давомида, номига эмас, балки доимий тарзда фаолият олиб боради. Қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда тадбиркорларимиз иштирокини таъминлаймиз. Ишлаб чиқариш, аҳолига хизмат кўрсатиш, фермер хўжаликларини бирлаштирган клуб ташкил этамиз. Улар соҳада қандай муаммолар борлигини яхши билишади ва муқобил ечимини ҳам топа олишади. Вилоят кенгашида шу билан боғлиқ масалалар муҳокамасини ҳам йўлга қўйиш даркор.

— Мамлакатимиз иқтисодиётини барқарорлаштириш бугунги кундаги энг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади, — дейди **иқтисод фанлари номзоди Омилхон Исмоилов**. — Президентимизнинг ҳудудларга ташрифи чоғидаги нутқларини таҳлил қиладиган бўлсак, уларнинг аксариятида иқтисодий ислоҳотлар, бюджет параметрлари билан боғлиқ масалалар кўтарилаётганини кўришимиз мумкин.

Олдимизда аҳолини иш билан таъминлаш, ижтимоий кўмак бериш каби кўплаб масалалар турибди. Энг асосийси, аҳоли даромадини ошириш лозим.

Мурожаатномада Президентимиз қарсакбозлик, баландпарвоз гаплар билан муаммони еча олмаслигимизни, конструктив ислоҳотларни амалга ошириш вақти аллақачон етганини айтди. Шу билан бир қаторда, эркин иқтисодиётни, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга масъул бўлган мутасаддилар фаолиятига ҳам танқидий баҳо берилди. Ҳар бир ташкилот, шунингдек, партиялар ҳам олдига аниқ мақсад қўйиши лозим. Тоғдек нарсани ваъда қилмасдан, оз бўлса-да, амалий натижага эришиш бугунги куннинг асосий талаби ҳисобланади.

Тадбирнинг иккинчи қисмида «Ислом Каримов — мустақил Ўзбекистон асосчиси» мавзусида фикр алмашилди.

**Ислом Каримов номидаги Республика хайрия жамоатчилик фонди департаменти раҳбари Ботир Убайдуллаев** мавзу юзасидан ўз мулоҳазаларини билдирди.

— Ислом Каримов номидаги Республика хайрия жамоатчилик фонди иш бошлаганидан буён муайян чора-тадбирларни амалга оширмоқда, — деди у. — Тошкент фотосуратлар уйида «Аждодларни бирлаштирувчи ришта» номли кўргазма ташкил этилди. ЮНЕСКОнинг доимий ваколатхонаси билан ҳамкорликда Самарқанд шаҳрида «Ўзбек ипагининг гулгун фасли» номли китобни тўрт тилда нашрдан чиқардик. Демоқчи бўлганим, фондимиз Ўзбекистон санъати дунёга танилишида ҳам ўз ҳиссасини қўшишга ҳаракат қилмоқда.

Биринчи Президентимизнинг ташаббуси билан 1997 йил иқтидорли йигит-қизларни хориждаги нуфузли олий ўқув юртларида ўқитишни мақсад қилган «Умид» жамғармаси ташкил этилган эди. Маълум бир сабабларга кўра, «Устоз» жамғармасига қўшиб юборилди. Шу вақт мобайнида 858 нафар йигит-қиз дунёнинг ривожланган 8 давлатида бакалавр ва магистратура босқичида таълим олиб қайтишди. Уларнинг 50 дан ортиғи илмий унвонга эга. Кўпчилиги давлат ва нодавлат ташкилотларда раҳбарлик лавозимида фаолият олиб боряпти. Ўйлайманки, бу ўз ўрнида хайрли ва фойдали бўлган эди. Анъанани давом эттириш мақсадида фондимиз ташкил этилган йилда 12 нафар иқтидорли талаба Германия, Италия, Россияда ўқиши учун грантларга эга бўлишди. Яна йигирмага яқин талаба хориждаги нуфузли олийгоҳларда ўқишини давом эттириши кутилмоқда. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг «Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти, буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислом Каримов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ халқаро конференция ташкил этиладиган бўлди. Биринчи Президентимиз билан юзма-юз мулоқотда бўлган, ёнма-ён меҳнат қилган инсонлар, нуфузли халқаро ташкилотлардан меҳмонлар ташрифи кутилмоқда. Шу кунларда «Ислом Каримов Мустақил Ўзбекистон асосчиси» номли китоб-альбом 15 минг нусхада чоп этилди. Яқинда ўз ўқувчилари қўлига етиб боради. Бу Биринчи Президентимизнинг 80 йиллигига муносиб совға бўлади, деб ўйлайман.

**«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари Бош муҳаррири Сафар Остонов** Биринчи Президентимиз республикамизга раҳбар бўлиб келган даврдаги ижтимоий-иқтисодий муаммолар, халқимизнинг маънавий-руҳий ҳолати, ана шундай оғир ва мураккаб шароитда Юртбошимиз одамларни ижтимоий ҳимоя қилиш, паймол бўлган ҳуқуқларини тиклаш борасида амалга оширган ишларини ҳаётий мисоллар асосида ҳикоя қилди.

Йиғилишда партия ташкилотлари ва депутатлар фаолиятини такомиллаштириш, Биринчи Президентимизнинг 80 йиллигини партия тизимида муносиб нишонлаш масалалари бўйича қарорлар қабул қилинди.

**Маҳлиё АЛИҚУЛОВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

O'ZBEKISTON OVOZI
● 2018-yil, 25-yanvar. Payshanba
● 8 (32.376)-son



# Улуғбек юлдузлари

## янада ёрқинроқ порлайди

Ўзбекистон астрономлари ҳам фазони тадқиқ этиш, коинотнинг сир-синоатларини ўрганиш борасида ўзига хос ютуқларни қўлга киритишмоқда. Улар эришган илмий кашфиётлар дунё олимлари томонидан эътироф этилмоқда, катта қизиқиш уйғотмоқда, ҳамкорликка чорламоқда.



Катта айиқ юлдуз туркумидаги NGC 3938 спирал галактикасида кашф этилган ўта янги юлдуз.



Майданак обсерваториядаги телескоп.



*Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Мирзо Улуғбек номидаги Астрономия институти директори, академик Шуҳрат ЭГАМБЕРДИЕВ билан суҳбат.*

**— Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолигига сайланганингиз билан чин юракдан табриклаймиз. Биз сизнинг телевидение орқали чиқишларингиз, «Фан ва турмуш» журналида чоп этилган мақолаларингиз орқали илмий изланишларингиздан яхши хабардормиз. Астрономларимиз 2017 йилда қўлга киритган энг муҳим натижалар ҳақида гапириб берсангиз.**

— Маълумки, XX аср астрономиясининг ютуқларидан бири юлдузларнинг ўзгармас ёки абадий эмаслигининг кашф этилиши бўлди. Телескоплар ихтиро қилингунига қадар инсоният тарихида тўрт марта ўта янги юлдуз портлагани ёзиб қолдирилган. Улардан бирининг 1006 йилдаги портлаши Хоразм Маъмун академиясининг гуллаб-яшнаган даврига тўғри келган. У ҳақда Хитой ва Япон манбаларидан маълум. Бир неча йил аввал германиялик шарқшунослар Ибн Сино қўлёзмаларидан бирининг («Китаб ас-Шифо») Аристотель метафизикасига бағишланган сўнгги бобида ушбу юлдуз чақнашининг баёнини топишди. Баёнда юлдузнинг нафақат ёрқинлиги ўзгариши, балки кундан-кунга ранги ўзгариши ҳақида ҳам қимматли илмий маълумот батафсил берилган. Демак, Ибн Сино машҳур файласуф ва шифокор бўлибгина қолмай, балки профессионал астроном ҳамдир.

XX асрда замонавий телескоплар пайдо бўлганидан кейин астрофизика учун муҳим илмий аҳамиятга эга ўта янги юлдузлар кузатила бошланди. Биз ҳам Майданак обсерваториясида кореялик ҳамкасблар билан ҳамкорликда «Ўта янги юлдузларни топиш учун яқин жойлашган галактикаларни мониторинг қилиш» мавзусида илмий тадқиқот олиб бораяпмиз. Биз ўнлаб янги юлдузларни очдик, лекин биринчи бўла олмадик. Ва ниҳоят, ўтган йили 25 майдан 26 майга ўтар кечаси ўта янги юлдуз портлашини қайд этдик. Бу ҳақда илмий жамоатчиликка хабар бердик ва биз уни биринчи бўлиб қайд этганимизнинг тасдиғини олдик. Кейинчалик биз бу юлдузни уч ой давомида, то у хиралишиб қолгунича хитойлик ҳамкасбларимиз билан кузатиб, қизиқарли маълумотлар олдик, улар тез орада нашр қилинади. Эришилган ютуқлар институтимизнинг нуфузини кўтариш билан биргаликда ёш олимларни тарбиялаш борасида янги имкониятлар эшигини очиб берди.

2017 йил республикамизда астрономия фанини ривожлантириш ва ёш авлодни илмий изланишларга жалб этиш борасида ниҳоятда муҳим йил бўлди. Президентимиз ўтган йилнинг 19 июнида суд-ҳуқуқ соҳаси вакиллари билан бўлган учрашувда телевизор орқали ўта янги юлдуз очилгани ҳақидаги кўрсатувни кўрганини, юртимизда буюк Мирзо Улуғбекка муносиб астрономия мактабини яратиш лозимлигини айтди ҳамда Тошкентда иқтидорли болалар учун астрономия, физика, информатика ва бошқа аниқ фанлар бўйича махсус дастур бўйича ўқитиладиган ихтисослашган мактаб-интернат ташкил этишни таклиф қилди. Бундан ташқари, давлатимиз раҳбари астрономия, космонавтика ва авиация ютуқлари билан танишишни хоҳловчилар учун Астрономия ва аэронавтика паркини ташкил этиш, мактабнинг ўқув дастурини ишлаб чиқиш борасида топшириқ берди ва парк тузилиши бўйича аниқ таклифларни ўртага ташлади. Сал ўтмасдан бу ҳақда Президент қарори чиқди. Ҳозирги кунда мактаб-интернат ва парк қурилиши жадал суръатлар билан кетмоқда.

**— Ўзбек астрономларининг янги авлодини тарбиялайдиган мазкур мактаб-интернат ҳақида батафсилроқ маълумот берсангиз.**

— Мактаб-интернат 200 ўқувчига мўлжалланган. Уларнинг 150 нафари вилоятлардан, 50 нафари Тошкент шаҳридан қабул қилинади. Мактабда ўқиш 7-синфдан бошланади ва 11-синфгача, яъни аттестат олгунча давом этади. Бошқа вилоятлардан келганлар учун ётоқхона, ошхона, спорт зал, бассейн қурилади ва дам олиш ҳамда ўз устида ишлаши учун зарур барча шароитлар яратилади. Мактабга табиий фанларга қизиқувчи ва билими юқори ўқувчилар махсус мезонлар асосида танлаб олинади. Мактаб-интернат ўқитувчилари ҳам танлов асосида ишга олинади. Астрономия фани бўйича синфдан ташқари факультатив машғулотлар, лаборатория ишлари ва машҳур олимлар билан учрашувлар ўтказамиз.

Кўпдан бери астрономияни қайси синфдан бошлаб ўқитиш керак, деган мунозара бўлмоқда. Астрономияни ўқитиш учун физика ва математика фанларидан олинган билим зарур бўлади, шунинг учун авваллари у 10-синфда ўқитилган. Бизнинг қатъий фикримиз: астрономияни болалар қабул қиладиган оддий тушунчалар асосида 7-синфдан бемалол ўқитиш мумкин. Ушбу фикр асосида Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда ўқув режасини ишлаб чиқаяпмиз. Бундан ташқари, ўқувчиларга VIII асрдан XV асргача давом этган «мусулмон ренесанси» тўғрисида ҳам маълумот беришимиз керак. Ушбу давр дунёга фан ривожини ўз тадқиқотлари билан бойитган ўнлаб астроном олимларни етказиб берган. Уларнинг кўпчилиги Марказий Осиёдан етишиб чиққан, лекин уларнинг мероси ҳали етарлича ўрганилмаган. Ўқувчилар бобокалон астрономларимиз билан нафақат фахрлансинлар, балки ўз аждодларининг улуғворлигини ҳам тушунсинлар. Масалан, ҳозирги кунда Улуғбекнинг фандаги буюк хизматлари нимадан иборатлигини камдан-кам киши тушунтириб бера олади. Ахир унгача ҳам Птолемейдан бошлаб юлдуз жадваллари тузилган эди-ку. Буни тушуниш учун етарлича билимга эга бўлиш лозим. Фан тараққиётида ўтмиш ватандошларимизнинг хизматини чуқур англаш ва улар билан фахрланиш учун буни ўқувчиларга етказиш лозим.

**— Астрономия институтининг музейи ҳақида биламиз, у сизнинг ташаббусингиз билан ташкил қилинган эди. Айтинг-чи, астрономия парки барпо этилиши муносабати билан музейни кенгайтириш режалаштирилганми?**

— Астрономия институти фаолият бошланганига (дастлаб у Обсерватория деб аталган) бу йил 145 йил тўлади. Ўтган йиллар мобайнида кўплаб тадқиқотлар, жумладан, амалий тадқиқотлар ҳам олиб борилган. Бунинг учун эса махсус асбоб-ускуналардан фойдаланишган. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, астрономлар доимо замонавий асбобларни ишлатишади. Бизнинг коллекцияда бундай ажойиб асбоб-ускуналарнинг жуда кўпи мавжуд, уларнинг бир қисми институт биносидаги музейга қўйилган, энди паркда алоҳида астрономия музейини очмоқчимиз. Унда биз Астрономия музейини, аниқроғи, Астрономия ускуналари музейини очамиз. Бинога туташ, пишган ғиштдан қурилган Қуёш телескопи минораси эса яхши сақланган. Ушбу минора реставрация қилинади ва Қуёш телескопи тикланади.

Музей залларининг бирида узоқ ўтмишда долзарб ҳисобланган аҳоли пунктларининг географик координаталарини аниқлаш учун ишлатилган асбоб-ускуналар, плакатлар, жадваллар бўлади. Кейинги зал вақтни аниқлашга бағишланади. Гюйгенс томонидан маятникли соатлар ихтиро қилинганидан кейин XVII асрда уларни синхронлаштириш масаласи қўйилади, бунда Ер айланишидан фойдаланиб, зарур астрономик кузатишлар бажарилган. Вақтни аниқлаш ва синхронлаштириш асбоблари музейга қўйилади. Музейнинг яна бир бўлими, кузатиш шароити бўйича жаҳондаги бешта обсерватория қаторига кирувчи Майданак обсерваторияси ҳақида ҳикоя қилади. Бу жойни топиш учун 10 йилдан ортиқ вақт кетганлигини ҳамма ҳам билавермаса керак. У очиқ тунлар сони, турбулентлик даражаси ва бошқа параметрларига кўра ноёб ҳисобланади. Астрономиянинг яна бир катта бўлими мавжуд. У астроиқлим деб аталиб, кўп сонли атмосфера параметрларини ўз ичига олади.

**— Астрономия ва аэронавтика боғи қандай бўлади?**

— Энг асосийси — ҳудуддаги барча дарахтлар сақлаб қолинади. Янги қулай йўлаклар яратилади. Оққўрғон ариғининг қирғоқлари сайр этиш учун ободонлаштирилиб, юқори қирғоғига асосан тарихий объектлар жойлашади. Музей билан бир қаторда, барча телескоплар, уларнинг бинолари қайта таъмирланади. Бу 1895 йилда қурилган кўҳна минорада жойлашган француз телескопига ҳам тегишли. Миноранинг ташқи кўриниши сақланган ҳолда таъмирланади, томи занглмайдиган пўлат билан қопланади. Энг муҳими — телескоп ўзининг дастлабки ҳолига қайтарилади, электродвигатель ва редукторлар олиб ташланади, у худди юз йил аввалгидек, қўлда штурвалларни буриш орқали бошқарилади. Қуёш телескопининг сақланиб қолган минораси ҳам қайта таъмирланиб, унда Қуёш тадқиқотлари музейини жойлаштиришни режалаштирганмиз. Энди янги объектларга ўтсак, француз телескопи ва музей орасидаги майдончада 1:5 масштабда Улуғбек расадхонасининг ишлаб турувчи моделини қурмоқчимиз. Агар ҳақиқий расадхонада секстантнинг радиуси 40 метр бўлса, биздагиси 8 метр бўлади. Хоҳлаган киши расадхонанинг иши билан танишиши, Улуғбек ва унинг сафдошлари осмон жисмлари ҳаракатини қандай аниқлашганини кўриши мумкин бўлади. Модель Улуғбекнинг ғоялари ва у фойдаланган услубни чуқурроқ англаш имконини беради. Бундан ташқари, ўтмишдаги буюк астрономларнинг бюстлари ўрнатилади, Қуёш соати ва бошқа қизиқарли объектлар қурилади. Институт қошида ҳозирда ташландиқ ҳолга келган сейсмик ертўла бор. У қайта таъмирланади ва унда эски конструкциядаги (ҳозирда барча сейсмографлар рақамлисига алмаштирилмоқда) ишлаб турган сейсмограф ўрнатилади, у Сейсмология институтидан олинади. Сейсмограф иши ва зилзилалар ҳақида ҳикоя қилувчи стендлар бўлади. Хоҳловчилар ертўлага тушиб, узоқ зилзилалар, метро ёки яқин орада ўтаётган юк машиналари таъсирида ер тебранишини кузата олади.

Ариқнинг пастки қирғоғида, институт биносининг ўнг томонида Планетарий қуриш режалаштирилган. Бу шунчаки замонавий планетарий бўлмай, унда Коинот мавзусидаги энг қизиқ, шу жумладан, интерактив экспонатлар ҳам бўлади. Планетарий атрофида Қуёш системасининг модели яратилиб, унда бир хил масштабдаги сайёраларнинг орбиталари ҳамда уларнинг макетлари бўлади. Планетарийнинг орқасида Авиация техникалари музейи жойлашади. Мудофаа вазирлиги томонидан ҳисобдан чиқарилиб, қайта таъмирланган техника, самолёт ва вертолётлар етказиб берилади. Барча экспонатлар очиқ бўлиб, болалар учувчи кабинасига кириши, парашютларни кийиб кўриши ва техник маълумотларни билиб олиши мумкин бўлади.

Шунингдек, парк ҳудудида дам олиш зоналари, кафелар ва паркни юқоридан кўриш учун чархпалак бўлади.

**— Паркнинг очилиши қачонга мўлжалланган?**

— Аввало шуни айтишим керак, мактаб-интернат ўқувчиларни биринчи сентябрда қабул қилиб олади. Паркни ҳам жорий йилда очиш мўлжалимиз бор. Ҳамма объектлар тайёр бўлмаслиги мумкин, масалан, Планетарий кечроқ очилади, чунки ҳамма нарса бизга боғлиқ эмас. Лекин авиатехника кўргазмаси ва музей аниқ шу йил очилади, асбобларнинг ҳаммаси шу йил таъмирдан чиқади. Астрономия институти паркдан ажратиб қўйилади, чунки биз у ерда илмий тадқиқотларни амалга оширишимиз лозим. Лекин институт фойесида замонавий астрономия ютуқлари билан таништирувчи кўргазма очилади ва хоҳлаган киши келиб томоша қилиши мумкин.

Энди паркка келсак, унинг бош дарвозаси Осиё кўчасида, ҳозирда автомобиллар ювиш шохобчаси жойлашган ерда бўлади. Планетарий ва авиатехника майдончаси томонидаги яна бир кириш жойи Астрономия кўчасида бўлади. Парнинг учинчи кириш жойи ва мактаб-интернат дарвозаси Гидрометеорология маркази томонида бўлади. Умуман олганда, бу юртимиздаги биринчи илмий-маърифий ва Улуғбек расадхонасининг ишлаб турувчи моделига эга бўлган ягона парк бўлади.

**— Газетхонларимизга ўзингиз бош муҳаррирлик қилаётган «Фан ва турмуш» журналининг 2018 йилдаги режалари ҳақида ҳам маълумот берсангиз**

— Шу йил журналнинг ташкил этилганига 85 йил тўлади, у Россиянинг «Наука и жизнь» журналидан бир ёшга катта. Мен 2002 йилдан бери журналга бош муҳаррирлик қилиб келаяпман. Унинг ўқувчилари нафақат ўзбекзабон инсонлар, балки худди «Знание — сила», «Наука и жизнь» ва шунга ўхшаш камёб журналлар каби рус тилида ҳам ўз ўқувчиларига эга. Эндиликда у иккита номга эга, «Фан ва турмуш» ва «Наука и жизнь Узбекистана».

Албатта, жаҳон илм-фани ютуқларига оид маълумотларни интернет орқали ҳам ўқиш мумкин, гап шундаки, биз мазкур журналда, интернетда кам учрайдиган, юртимиз ёш олимларининг илм-фандаги ютуқлари ҳақида ҳам маълумотлар чоп қиламиз. Мустақиллик йилларида юртимизда археологияга оид қизиқарли маълумотлар топилди. Ўз навбатида биз ҳам журналнинг ҳар бир сонида ушбу археологик топилмалар ва маълумотларни ёритиб борамиз. Шу билан бирга, ўлкамизнинг хориж музейларида сақланиб келинаётган дурдоналари ҳақида маълумотлар чоп этишга ҳам алоҳида эътибор қаратяпмиз. Улар орасида безаклар, қўлёзмалар, ҳукмдорларнинг шахсий буюмлари, темурийлар даврининг артефактлари бор. Шу каби осори-атиқалар дунёнинг Буюк Британия, АҚШ, Туркия каби ривожланган давлатлари музейларида сақланмоқда. Биз ўша музейлардаги «ўзимизнинг» экспонатлар ҳақида маълумотлар оламиз ва журнал ўқувчиларига етказамиз.

Вазирлар Маҳкамасининг журнални қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги қарори бизга катта ёрдам бўлди, натижада ҳомийлар топилди ва биз бунинг учун ҳукуматимиздан миннатдормиз.

Ҳозирда журнал веб-саҳифасининг яратилиши устида иш олиб борилмоқда. Унда биз журналнинг барча мақолаларини электрон чоп қилишни режалаштирганмиз...

**«Ўзбекистон овози» мухбири Бахтиёр РИЗАЕВ суҳбатлашди.**



Астрономия ва аэронавтика боғи ана шундай кўринишда бўлади.

---

**«Ўзбек кураши» деган иборанинг дунё узра янграётгани, «ҳалол», «ёнбош», «ғирром» каби соф ўзбекча сўзларнинг жаҳон миқёсидаги спорт мусобақаларида тез-тез такрорланаётгани барчамизга фахр-ифтихор бағишлайди. Эндиликда улар қаторига «ўзбек шашкаси» ҳам қўшилса ажаб эмас.**



# Наманганда «Ўзбек шашкаси» яратилди

Улуғбек Ирисбоев Норин тумани, Дўмар қишлоғида 1972 йилда туғилган. У мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ шахмат-шашкани жуда қизиқиб ўйнарди. Олий ўқув юртида таҳсил олган йилларда ҳам интеллектуал спортнинг ана шу тури бўйича ўтказилган мусобақаларда мунтазам қатнашиб келди.

Ўқишни тамомлаб танлаган мутахассислиги бўйича ишга жойлашди, ҳалол ва самарали меҳнати билан жамоа ўртасида обрў-эътибор қозонди. Лекин шахмат-шашка ўйинларида теша тегмаган, энг ашаддий мухлислар ҳам кутмаган юришлари билан ҳаммани лол қолдириб юрган Улуғбек анча йиллар мобайнида оқ ва қора катакларда бирдек ўйналадиган шашка яратиш устида иш олиб борди.

Уни кўпинча бир савол қийнарди: нега шашка фақат доскaнинг қора катакларида ўйналади, уни оқ катакларда ёки бошқача услубда ўйнаб бўлмайдими? Ниҳоят, уч йил деганда шашка тошларини юриш, бешинчи йили эса ўйин қоидалари мукаммал шаклга келди.

Улуғбек Ирисбоев бу ҳақда шундай дейди:

— Ушбу ғоя устида иш бошлаганимдан то шу кунгача қизим Дилшода, жиянларим Зиёдахон, Неъматжон, Хушнудбеклар ўйин қоидалари яратилишида яқиндан ёрдам беришди. Шунингдек, вилоят ҳудудий инновация фаолияти ва технологиялар трансфери маркази директори, техника фанлари доктори, профессор Рустамжон Муродовнинг тавсиялари ҳам қўл келди.

«Ўзбек шашкаси» 14 дан юқори ёшдагиларга мўлжалланган бўлиб, тўрт усулда ўйналиши мумкин. Оқ тош оқ катакда, қора тош қора катакда, ёки аксинча, оқ тош қора катакда, қора тош оқ катакда ўйналиши мумкин.

Ўйинлар бир-бирига асло тўғри келмайди, яъни, юз партия ўйин юз хилда ўйналиши мумкин. Яратилган бу интеллектуал спорт турининг анъанавий шашкадан фарқли томони, ғолибни битта ўйинда аниқлаб бўлмайди. Бунинг учун икки партия ўйин ўтказилиши лозим. Ўйинлар махсус шашка доскаси ва тошлар орқали амалга оширилади.

Улуғбекнинг қизи ва жиянлари томонидан яратилган бу ўйин ҳали нафақат Ўзбекистон тарихида, жаҳон миқёсида ҳам кузатилмаган воқеа ҳисобланади. «Ўзбек шашкаси» келажакда интеллектуал спорт ишқибозлари ўртасида оммалашиб кетса, ажаб эмас.

**Носиржон ДЕҲҚОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

ЭЪЛОН

**«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ**

2018 йил 11 ва 18 январь кунлари ўтказилган очиқ аукцион савдоси натижаларига кўра, «DAVLAT BELGISI» ДИЧБ Тошкент қоғоз фабрикаси балансидаги д/р 01/1424АА бўлган «МАЗ-83781» русумли тиркама – 3 450 000 сўмга; д/р 01/1416АА бўлган «2УПС10» русумли яримтиркама – 2 950 000 сўмга; д/р 01/465НВА бўлган «ЛАЗ-695Н» русумли автотранспорт воситаси – 15 400 000 сўмга сотилганлигини маълум қилади.

**Гувоҳнома № 005357**

# Ўзбекистон ёшлари Осиё чемпионатининг финалида!

AFC U23 CHAMPIONSHIP CHINA 2018

**Хитойда 23 ёшгача бўлган футболчилар ўртасидаги Осиё чемпионатининг ярим финал ўйинлари ниҳоятда кескин ўтди. Қатар ҳамда Вьетнам терма жамоалари ўртасидаги учрашувнинг асосий вақти 2:2 ҳисобида якунланди. Пенальтилар сериясида Вьетнам 4:3 ҳисобида ғалаба қозонди.**

## Ишончли ғалабалар

### терма жамоамизни финалга олиб чиқди

Куньшанда жойлашган «Kunshan Stadium»да ўтказилган иккинчи ярим финал учрашувида Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Жанубий Корея ёшлар терма жамоасини йирик ҳисобда (4:1) мағлубиятга учратиб, финалга йўл олди. Ўйиннинг 33-дақиқасида Забихилло Ўринбоев терма жамоамизни ҳисобда олдинга олиб чиқди. 58-дақиқада рақиб футболчиси Хванг Хюн-Су ҳисобни тенглаштирди — 1:1. Учрашув асосий вақтида ҳисоб ўзгармади.

Қўшимча таймнинг 100-дақиқасида Азизжон Ғаниев узоқ масофадан рақиб дарвозасини аниқ нишонга олди — 2:1. Орадан ўн дақиқа ўтгач, Жасурбек Яхшибоев учинчи гол муаллифи бўлди — 3:1. 121-дақиқада Акромжон Комилов ҳисобни янада оширди — 4:1.

Вьетнам — Ўзбекистон ёшлар терма жамоалари ўртасидаги U-23 Осиё чемпионатининг финал ўйини 27 январь куни Тошкент вақти билан соат 13:00 да Чанжоу шаҳридаги «Changzhou Olympic Sports Centre» стадионида бўлиб ўтади.

**Ўз мухбиримиз.**

БРИФИНГ

# МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ

## *яна 69 минг нафардан зиёд кичкинтойни қамраб олади*

**Тошкент шаҳар ҳокимлигида мактабгача таълим муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш, аҳолига кўрсатилаётган мактабгача таълим сифатини яхшилаш, тизимда хусусий секторни ривожлантириш масалаларига бағишланган брифинг бўлиб ўтди.**

2017 йилнинг декабрида мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш ҳамда мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича қабул қилинган Президент фармони ва қарори ижроси бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари бу борада аниқ ишлар кўзга ташланмаётгани, тизимда хусусий секторни ривожлантириш ишларига етарлича эътибор берилмаётганини таъкидлаб ўтган эди.

— Тошкент шаҳар ҳокимининг 2018 йил 16 январда қабул қилган «Тошкент шаҳрида мактабгача таълим муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори айнан ўша видеоселектор йиғилишида кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этишга қаратилган, — деди тадбирда сўзга чиққан **Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар Хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилбар Нажмутдинова.** — Шу ўринда статистик маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, бугунги кунда пойтахтимизда жами 632 мактабгача таълим муассасаси фаолият юритиб келмоқда. Уларнинг 447 таси Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси тасарруфида бўлса, 185 таси хусусий фаолият юритаётган боғчалар ҳисобланади. Уларга жами 122 минг 980 нафар бола қамраб олинган бўлиб, шундан 8 минг 885 нафари хусусий боғчаларда таълим-тарбия олмоқда.

Айни пайтда 3 ёшдан 6 ёшгача бўлган, яъни боғча ёшидаги болалар сони 190 минг нафардан ортиқни ташкил этади. Демак, бугунги кунда 69 минг нафарга яқин бола мактабгача таълим муассасаларига қамраб олинмаган. Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорида уларни босқичма-босқич мактабгача таълим муассасаларига қамраб олиш кўзда тутилади.

Умуман олганда, пойтахтимизда 2018-2019 йиллар мобайнида 3 ёшдан 6 ёшгача бўлган 69 минг нафардан зиёд бола мактабгача таълим муассасаларига қамраб олинади. Ҳар бир туманда 3 тадан 5 тагача болалар боғчалари таълим муассасаларида соғлом ва тўғри овқатланишни таъминлаш мақсадида намунали фаолият юритаётган умумий овқатланиш корхоналари томонидан хизмат кўрсатиш амалиёти йўлга қўйилади. Ҳозирда болаларни тўғри рационал овқатлантириш бўйича таомнома ишлаб чиқилмоқда.

— Мутахассислар томонидан олиб борилган мониторинг ва таҳлилларга кўра, шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси тасарруфидаги мавжуд 447 болалар боғчаларининг 61 таси таъмирга муҳтож ва уларда 8 мингга яқин бола тарбияланмоқда, — дейди **шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Асомиддин Тожиев.** — Жорий йилда мазкур боғчаларни таъмирлаш ҳисобига қўшимча равишда 5,5 минг нафардан ортиқ болани қамраб олиш имкони яратилади.

Бундан ташқари, 2018 йилда Тошкент шаҳрида қуриладиган 420 кўп қаватли уйнинг 220 тасида 80 ўринли кичик ҳажмдаги хусусий болалар боғчалари ташкил этилади. Мавжуд кўп қаватли уйларда болалар боғчаларини ташкил этиш истагини билдирган тадбиркорларга рухсат берилади ҳамда уйларнинг олди ва орқа томонларидаги ер майдонларида болалар ўйингоҳлари барпо этилади. Ана шунинг ҳисобига яна беш мингга яқин бола боғчаларга жалб этилади.

Аҳолининг талаб ва истакларидан келиб чиққан ҳолда туман ҳокимликлари тасарруфидаги ҳамда Мактабгача таълим бош бошқармаси балансида бўлган, бўш турган биноларда, Бинолардан фойдаланиш департаменти томонидан ажратилган биноларда, филиал тарзида фаолият юритаётган боғчаларда ҳам уларга ер майдонларини ажратиш ҳисобига хусусий боғчалар ташкил этилади.

Мактабгача таълим бош бошқармаси тасарруфидаги мавжуд 447 болалар боғчалари биносида жойлашган, лекин таъмирга муҳтож бўлгани сабабли 407 гуруҳ хоналари фаолияти тўхтатилган эди. Улар жорий йилда қайта таъмирланиб, ишга туширилади. Бунинг ҳисобига яна 10 минг нафар болани боғчаларга қамраб олиш имконияти туғилади.

Тошкент шаҳрида 146 мингдан ортиқ якка тартибдаги хонадон мавжуд. Ўтказилган мониторинг хулосаларига кўра, 200 дан ортиқ хонадон эгалари ва ҳудудда жойлашган аҳолининг талаб ва таклифлари ҳамда хоҳиш-истаклари асосида 40-50 ўринли хусусий болалар боғчалари ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Болалар боғчаларини ташкил этиш истагини билдирган тадбиркорлар томонидан туман ҳокимликларига тақдим этилган намунали ва замонавий лойиҳалар очиқ-ошкора танлов асосида олинади ҳамда уларга бўш бино ва ер майдонлари ажратилади.

Тадбирда журналистлар томонидан берилган саволларда кадрлар масаласи, пуллик тўлов ва хусусий боғчалардаги таълим-тарбия ва нархларга эътибор қаратилди.

— Мактабгача таълим муассасаларини малакали кадрлар билан таъминлаш мақсадида ҳозир Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳамда бошқа бир қатор олий таълим муассасаларини 2017-2018 ўқув йилида битирадиган талабалар билан Тошкент шаҳридаги боғчаларда ишлаш учун шартнома туздик, — дейди **Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси бошлиғи Насиба Мавлонова.** — Пойтахтимиздаги учта педагогика коллежининг 400 дан ортиқ битирувчисини мактабгача таълим муассасаларига жалб этишни режалаштирдик. Фан ўқитувчиларини малака ошириш курсларида қайта тайёрлашни ташкил этиш мақсадида олий маълумотли кадрлар билан шартномалар тузяпмиз.

**— Боғчаларда қўшимча машғулотларнинг айримлари учун пул тўланади. Бу қанчалик тўғри?**

— Агар ота-оналар фарзандлари мактабгача таълим тизимидаги давлат талабларидан ташқари бўлган бошқа машғулотлар билан шуғулланишини хоҳласа, бу Вазирлар Маҳкамасининг 414-қарори бўйича тўлов асосида ташкил этилиши мумкин. Лекин ҳар бир мактабгача таълим тизимида давлат тарафидан белгиланган нутқ ўстириш, мусиқа, жисмоний тарбия каби машғулотлар бепул. Ота-оналар қўшимча спорт тури сифатида ўғил болалар учун каратэ, қизлар учун гимнастика ёки рақс каби тўгараклар бўлишини исташса, мактабгача таълим муассасаси тегишли қарор асосида уларни қонун асосида ташкил этиши мумкин.

**— Хусусий боғчаларда болалар учун тўланадиган пул микдорини ким белгилайди?**

— Хусусий боғчада битта бола таълим-тарбия олиши учун тўланадиган пул миқдорини тадбиркор шу муассаса қурилишига сарфланган харажатлардан келиб чиқиб, ўзи белгилайди. Чунки намунавий лойиҳа асосида барпо этиладиган, барча шарт-шароитга эга бўлган мактабгача таълим муассасаси учун тадбиркор катта миқдорда кредит олади ва маълум муддатда уни қоплаши зарур бўлади. Ана шундан келиб чиққан ҳолда ҳисоб-китоб қилинади. Нархларни белгилашда албатта бошқа бир қанча жиҳатлар ҳам ҳисобга олинади.

**Нуруллоҳ ДОСТОН,**
**Шаҳбоз САИДОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбирлари.**

ТАҲРИРИЯТГА ХАТ

**2016 йилнинг сентябрь ойида оиламиз бошига тушган ташвишдан шошиб қолдик. Турмуш ўртоғим Равшан Ниёзовнинг қон босими ошиб, оғир инсульт ташхиси билан реанимация бўлимига тушиб қолди. Шифокорлардан нажот сўраганимизда, бундай кризис ҳолатидан бемор 21 кун ичида чиқиши мумкин, дейишди...**

## Умид ва ишонч

### беморни оёққа турғазди

Инсульт ва унинг асоратлари ҳақида илгари юзаки маълумотга эга эдим. Бошга кулфат тушганидан кейин интернетдан геморрагик инсульт ҳақидаги барча маълумотларни ўқидим. Бундай касалликка дучор бўлган беморларнинг маълум қисми тирик қолишини билганимда, тўғриси, жуда қўрқиб кетдим. Шу билан бирга, болаларимнинг отаси албатта тузалиб кетади, деган ички бир туйғу менга ишонч бағишларди.

Моҳир шифокорларнинг ўз вақтида берган беминнат муолажаси туфайли 25 кун деганда турмуш ўртоғимни реанимация бўлимидан палатага олишди. 35 кун деганда шифохонадан уйга олиб келдик. Бу вақт ичида у кишининг нутқи анча равонлашиб, аҳволи яхшиланганига қарамай, чап қўл ва чап оёғида ҳаракат йўқ эди...

Доим юрган одамга тўшакда ётиш жуда оғир бўлар экан. Мен турмуш ўртоғимга касалликни енгиш мумкинлигини тушунтиришга ҳаракат қилдим ва у икки ойдан кейин машаққат билан бўлса-да, секин-аста деворни ушлаб, кейинчалик ҳасса ёрдамида юра бошлади.

Бу жараёнларда у жуда кўп қийинчиликларни енгиб ўтишига тўғри келди. Натижада сабр-тоқатлилиги, мустаҳкам иродаси туфайли батамом тузалиб, оёққа туриб кетди. Дастлабки юришни 5-10 метрдан бошлаган турмуш ўртоғим ҳозир ҳар куни 10 километрлик масофани босиб ўтади. Яқинда эса Олмалиқдан Пискентгача бўлган 35 километрлик йўлни яёв босиб ўтди.

Қандайдир тасодиф туфайли ногиронга айланиб қолган инсон руҳан тушкунликка тушмай, тинимсиз ҳаракат қилса, ҳар қандай дардни енгади. Бунга ўз ҳаётимиз мисолида иқрор бўлдим. Энг муҳими, иродали бўлиш, қисматга қарама-қарши қадам ташлаш керак экан. Соғлиғимизни қадрига соғ пайтимизда етайлик. Бемор инсонларга далда бўлиб, уларнинг руҳини кўтарайлик, уларда соғайишга умид уйғотайлик...

**Насиба АБДУҲАЛИЛОВА,**
**Олмалиқ шаҳри.**

РЕКЛАМА

NBU

## «ЎЗМИЛЛИЙБАНК»ДАН янги омонатлар!

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ жисмоний шахслар учун жорий йилнинг 22 январидан бошлаб хорижий валютада янги муддатли омонатларни амалга киритганлигини маълум қилади:**

**«САМАРАЛИ»**

***АҚШ долларидаги муддатли омонати***

— омонатни сақлаш муддати — 2 ой;
— йиллик фоиз ставкаси — 4%;
— қўшимча бадаллар қабул қилинади;
— ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугаганидан сўнг АҚШ долларида тўлаб берилади, талаб қилиб олинмаган фоизлар капитализация қилинмайди;
— омонатга маблағлар омонат тури бекор қилингунга қадар кирим қилинади.

**«ИШОНЧ»**

***АҚШ долларидаги муддатли омонати***

— омонатни сақлаш муддати — 6 ой;
— йиллик фоиз ставкаси — 4,5%;
— қўшимча бадаллар қабул қилинади;
— ҳисобланган фоизлар ҳар ойда АҚШ долларида тўлаб берилади, талаб қилиб олинмаган фоизлар капитализация қилинмайди;
— омонатга маблағлар омонат тури бекор қилингунга қадар кирим қилинади.

**«БАРҚАРОР»**

***АҚШ долларидаги муддатли омонати***

— омонатни сақлаш муддати — 1 йил;
— йиллик фоиз ставкаси — 5%;
— қўшимча бадаллар қабул қилинади;
— ҳисобланган фоизлар ҳар чоракда АҚШ долларида тўлаб берилади, талаб қилиб олинмаган фоизлар капитализация қилинмайди;
— омонатга маблағлар омонат тури бекор қилингунга қадар кирим қилинади.

**ЖАМҒАРМАЛАРИ БОШҚАРИЛИШИНИ БИЗГА ИШОНИБ ТОПШИРГАНЛАР ФАРОВОНЛИГИ УЧУН ЎЗИМИЗНИ МАСЪУЛ ДЕБ ҲИСОБЛАЙМИЗ!**

**Қўшимча маълумотларни (0 371) 148-00-10 телефони орқали ёки банкнинг исталган филиалларидан олиш мумкин.**

www.nbu.uz

Хизматлар лицензияланган.

## ЗАВОД «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА»

**ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:**



- **Автокраны — 16, 25, 32, 50 т.**
- **Краноманипуляторы — 3, 5, 10 т.**
- **Ямобуры.**
- **Автовышки — 11, 18, 22, 28, 31м.**
- **Самосвалы — 3т, 4.5т, 9т.**

**ГАРАНТИЯ 1 ГОД**

**Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент.**
**Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61.**
**Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.**
**E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz**

**Товары сертифицированы.**

O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Saidkamol XODJAYEV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV
Farrux HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)

**Qabulxona** — 233-65-45
**Xatlar va murojaatlar uchun** — 233-12-56
**Reklama va e'lonlar uchun** — 233-38-55, 233-47-80
**E-mail:** info@uzbekistonovozi.uz

**MANZILIMIZ:**
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

A — 138. 13934 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220.
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 21:00.
Topshirilgan vaqti — 23:20

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
**Nurullo OSTONOV**
Sahifalovchi-dasturchilar:
**Zafar BAKIROV**
**Behzod ABDUNAZAROV**

ISSN 2010-7633

Газетанинг электрон саҳифасига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

1 2 3 4 6